# Гулистон

## КАТТА КАРВОН

**ИЛК марта «Ер юзи», сўнг «Аланга», «Машъала», «Ўзбекистон қурилишида» номлари остида чиқиб турган, Ўзбекистондаги энг халқчил ва кўҳна нашрлардан бири, фақат республикамиздагина эмас, балки узоқ-яқин хорижда ҳам машҳур ва манзур бўлган «ГУЛИСТОН» журнали ташкил этилганига 70 йил тўлди.**

Ҳамиша омма орасида бўлиш, журнални фақат касбий қаламкашлар, адиблар истеъдоди билангина эмас, балки кўп минг кишилик фаоллар, ишчи-деҳқон мухбирлари ақл-идроки ва саъи-ҳаракати билан чиқаришга интилиш борасида «Гулистон» муаллифларнинг талай авлодларини сафарбар қилиб келди.

Шуниси ачинарлики, журналга асос солган Комилжон Алимов, Аъзам Айюб, Санжар Сиддиқ, Қосим Сорокин, Саидғани Валиев, Боту Элбек каби халқнинг ҳурфикрли фарзандлари 30-йиллардаги қатағонлар даврида шаҳид кетдилар. Бугун биз уларнинг порлоқ хотираси қаршисида ҳурмат билан бош эгамиз.

Абдулла Қодирий, Олтой, Муҳаммадшариф Сўфизода, Абдулла Алавий, Чўлпон, Фитрат, Зиё Саид, Тошпўлат Саъдий, Ғафур Ғулом, Ойбек, Усмон Носир, Ғайратий, Миртемир каби адабиётимизнинг яловбардорлари қалами шу журнал таҳририятида чархланганлигини, Иброҳим Раҳим, Асқад Мухтор, Мирмуҳсин, (бу уч ҳурматли адибимиз турли йилларда «Гулистон» жамоасига бошчилик қилишган), Шуҳрат, Пиримқул Қодиров, Ваҳоб Рўзиматов, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ҳусниддин Шарипов, Оқилжон Ҳусановларнинг ижоди шу қутлуғ даргоҳда оройиш топганлигини, Шукур Холмирзаев, Саъдулла Сиёев, Тоҳир Малик, Анвар Эшонов, Эмин Усмонов, Маҳкам Маҳмуд, Абадуқаҳҳор Иброҳимов, Маҳмуд Саъдий, Мурод Хидир, Абдулла Шер, Саъдулла Аҳмад, Сулаймон Раҳмон каби ўрта авлод вакилларининг мазкур ижодий жамоада тобланганликларини, хуллас, ушбу минбар республика қалам аҳли учун мактаб, катта ижод майдонига айланганлигини фахр билан тилга оламиз.

Ўз қаҳрамонлари билан мустаҳкам алоқа ўрнатиш, уларнинг тақдири билан қизиқиш «Гулистон»нинг энг яхши анъаналаридандир. Гоҳо эрталабки қисқа мажлисда у ёҳуд бу мақола муҳокама қилинаётганида ходимлардан бирон-бири сўраб қолади, «Хўш, бу хусусда бизнинг муаллифларимиз Зулфия, Саид Аҳмад, Шукрулло, Саодат Қобулова, Зикир Муҳаммаджонов, Музаффар Ҳайруллаев, Озод Шарафиддинов, Умарали Норматов, Нажмиддин Комилов нима деган бўлар эдилар?!»

Қаҳрамонларни журналистлар тўқиб чиқармайдилар, уларни ҳаётнинг ўзи олға суради. Қаҳрамонларимизнинг журнал саҳифаларида чиқишлари шу жиҳати билан ибратлики, улар ўзларининг касб-корлари доирасида ўралашиб қолмасдан, кенг, атрофлича мушоҳада юритадилар. Шу боисдан ҳам ўтган давр мобайнида журнал ўзбек адабиёти, санъати, маданияти, ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётининг кўзгуси бўлиб қолди.

Журнал саҳифаларида меросимиз, маънавиятимиз, тасвирий санъатимиз, мусиқамиз, меъморчилигимиз кенг тарғиб этилмоқда. Тилимиз, одоб-ахлоқ, маданият масалалари чуқур мунозара қилинмоқда. Давр учун муҳим бўлган муаммолар жасорат билан кўрсатиб чиқилмоқда. Зикр этилган муаммолар ечими, шубҳасиз, журнал мазмун ва мундарижасини бойитади.

Етмиш йиллик йўлни равон бўлди дейиш қийин, албатта. Журнал яккапартиявийлик даврда комфирқа дастёри сифатида фаолият кўрсатди, турғунлик йилларида бирмунча вақт даврнинг шовқин-сурони, «кўтар-кўтар»ларга, ёлғонга асосланган мафкура даъватларига учиб, ўзининг жанговар марраларини бой бериб қўйган пайтлар бўлди. Биз буни тан оламиз, зеро бу ҳам таржимаи ҳолимизнинг ажралмас бир қисмидир.

Бироқ Қизил империя замонларида ҳам «Гулистон» қандай бўлмасин, миллатнинг, миллий тилнинг ўзига хослигини сақлаб қолишга, миллий туйғуларни тарбиялашга интилди.

Эътиборга молик жойи шундаки, мазкур нашр ўзининг қутлуғ тўйи арафасида «Нафосат» (бундан аввал «Ўзбекистон», «Меҳнат ва турмуш», «Совет Ўзбекистони санъати», «Санъат» номлари билан чиққан) журнали билан бирлашиб, ҳажм ва мавзу жиҳатдан кенгайди. Биз бугун фурсатдан фойдаланиб, ана шу ижодий жамоада меҳнат қилган Турғун Валиев, Қамариддин Исломов, Нурали Қобул, Анвар Жўрабоев, Аҳмад Аъзам, Нодир Норматов, Асад Асил номларини ҳурмат билан тилга оламиз, чунки, бугунги қутлуғ сана ана шу жамоада ишлаб кетганлар учун ҳам байрамдир.

Журнал миллий истиқлол сари интилишнинг қалдирғочларидан бири сифатида майдонга чиқди. Эҳтимолки, шу сабабдан ҳам у ўзининг илк сонлариданоқ халқ муҳаббатига сазовор бўлди.

«Гулистон» эндиликда Ўзбекистон Республикаси Маданият ишлари вазирлигининг нашри сифатида фаолият кўрсатиб турибди. Маълумки, ўзбек халқининг маданияти кўп қиррали, унинг пойдевори мустаҳкамдир. Бу тушунчага қадимий тошбитиклар, «Авесто», «Бундахишн», «Денкард» каби жуда кўҳна диний китоблар, қадимшунослик осори атиқаларидан тортиб, янги очилган коллежлар, маданият ва санъат ўқув юртлари, опера ва балет, мусиқали театрлар, филармониялар, дорилосорларгача киради. Буларнинг ҳаммаси миллий маданиятимиз кўзгусидир. Номлари юқорида қайд этилган масканларда ишлаётган фан, маданият, санъат аҳли узоқ йиллар орзу қилиб эришганимиз — Ватан мустақиллигини мустаҳкамлашга, халқимиз маданияти ва маънавиятини бойитишга, гўзаллик ҳиссини тарбиялашга астойдил бел боғлаган. Жойлардаги ана шу муаллифларимиз бизнинг олтин жамғармамиздир.

Маълумки, қадимий санъатимиз, ислом маданияти, давлатчилигимиз илдизлари, илк ўрта асрлар тарихимиз ҳануз матбуотда атрофлича ёритилмаган. Журнал ижодий жамоаси ана шу кемтикни тўлдиришга эътиборни қаратади. Масалан, яқин сонларимиздан бошлаб тарихимизнинг ҳали бизга қоронғи пучмоқлари қаламга олинган Х. Янтсеннинг «Хатарли Туркистон» асари илк марта ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилади.

Шу кунларда жамоамиз ҳар қачонгидан ҳам бақувват, уюшган. Бу ерда Михли Сафаров, Сирожиддин Аҳмад, Маҳкам Маҳмуд, Асқар Маҳкам, Мапура Набиева каби истеъдодли, изланувчан қаламкашлар меҳнат қилади. Яқинда уларнинг сафларига Музаффар Аҳмад, Каромат Дўстматова каби салоҳиятли ёшлар келиб қўшилдилар.

Ҳозирги вақтинчалик иқтисодий қийинчиликлар даврида ҳам журнал омма орасида ўз ўрни ва обрўсига эга бўлиб турибди. Катта карвонга катта сафар ярашади, дейди халқимиз. Йиллар ўтаверади. «Гулистон» бундан кейин ҳам халқимиз, кенг муаллифлар жамоаси билан кенгашиб иш тутади, демак, бундан кейин ҳам республика меҳнат аҳлининг севимли нашрларидан бири бўлиб қолаверади. Бунинг учун журнал жамоасида куч ва ғайрат етарлидир.

**Шерали СОКИН,**
**«Гулистон» журналининг масъул котиби.**



Суратда: журналнинг ижодий жамоаси.

Даврон АҲМАД олган сурат.

## БИР КУНИ ҒАФУР АКА...

### ЖОНОН ДУТОР

БИЗ Ғафур аканикига иш билан ҳам, бекор қолганда ҳам бораверардик. Бир куни қайси ҳам шоирнинг тўплами муҳокамасидан кейин негадир яна устозникига гуриллаб кириб бордик.

Ғафур ака яктакчан чиқиб келди.

— Ҳа, қаёқдан келяпсизлар?

Биз китоб муҳокамасидан келаётганимиз, унинг совуққина ўтганлигидан нолидик.

— Ўқиганман, — деди Ғафур ака, — на замон, на макон. Шоир нуқул ўз дилини кавлаштиради.

Кейин устоз бизни меҳмонхонага бошлаб кириб, тўрдаги деворда осиғлиқ турган нафис садаф нақшли дуторни кўрсатди.

— Қулоқ солинглар! Нарироқдан чивин учиб ўтса, узоқ жаранглаб туради.

Биз нафасимизни ичимизга ютиб, қулоқ солдик. Чиндан ҳам, деразадан кирган шабадагами, аллақайсимизнинг нафасимизгами, ё устоз сеҳриданми, хуллас, эшитилар-эшитилмас пайваст жарангли сас қулоғимизга чалинди.

—Шоир ўз замонасига мана шу жонон дутордек туйғун бўлиши керак! — деди Ғафур ака.

### ГУГУРТ

Бир куни поэзия секциясида Ғафур акадан ижодий ҳисобот талаб қилдик.

— Марҳамат, — деди Ғафур ака, — ёзган нарсам кўп, тарозида тортиб кўрсатишим ҳам мумкин. Лекин, билингларки, ёзилгани ҳисоб эмас, ўқилгани ҳисоб.

Кейин устоз чўнтагидан гугурт қидира бошлади. Биз чекмоқчи экан, деб ўйладик. Йўқ, у киши гапни кўргазмали мисол билан давом эттирмоқчи экан.

— Мана қутича, — деди бир қўлига гугурт қутини олиб, — шу туришда ўлик, иситмайди ҳам, ёритмайди ҳам. — Кейин иккинчи қўлидаги гугурт чўпини қутичага тегизиб, ўт олдирди. — Ана, кўрдингизларми, китоб китобхон билан учрашгандагина орада мана шундай олов ёнади!

### ШАПКА

РЕДАКЦИЯГА жуда кўп шеър олиб келадиган ўртоғимизни ўртага олиб, тилининг ғализлиги ҳақида баҳслашиб ўтирган эдик. Ғафур ака келиб қолди. Устоз келганда ҳар қандай шовқин босилиб, ҳаммамиз савол аломатидек туриб қолардик. Ғафур ака ўртадаги қўлёзмани олиб кўздан кечирди-да, ҳалиги ўртоғимизга қаради. Ўртоғимиз доим эски шапкасини қийшиқ кийиб юрар, ҳозирги туриши ҳам шу эди.

— Шапкани қийшиқ киясизми, тескари киясизми — ихтиёрингиз. Шапка сизники. Лекин, тил — халқники, ука. Унга олифтагарчилик кетмайди, — деди Ғафур ака.

Шу билан баҳс тугади.

### ГОНОРАР

БИР достон муҳокамасида муаллифга асарнинг асосий камчилиги рўй-рост кўрсатилди: достон мавҳум, унда конкрет воқеа йўқ.

Муаллиф бу фикрни қабул қилмади.

— Мен воқелигимиз ҳақида ёзганман, ундаги воқеа — совет воқелиги — деб туриб олди.

Шунда Ғафур ака туриб, деди:

— Ундай бўлса, достонингизга гонорар ҳам сўраманг, ҳамма банклардаги совет пуллари сизники.

**А. МУХТОР.**

## ИСКАНДАР ЗУЛҚАРНАЙН ҚАЕРГА ДАФН ЭТИЛГАН?

ЮНОН қадимшуносларининг Мисрдаги кашфиёти жамоатчилик ўртасида катта шов-шув уйғотди. Улар Лубнон (Ливия) билан чегарадош ерда жойлашган Сива водийсидаги қадимги Миср худоси Амон-Ра ибодатхонаси харобалари ичидан эски қабрни топдилар. Уларнинг фикрича, бу қабр Искандар Зулқарнайнга таааллуқли. Буни ўша ерда топилган иккита қўлёзма ҳам тасдиқлаяпти. Унда ёзилишича, буюк жаҳонгирнинг жасади Сивадаги Амон-Ра ибодатхонасида кўмилган.

Тарихий ҳужжатларга кўра, Искандар Зулқарнайн Сивага 2326 йил олдин келиб, ибодатхонадаги қадимги мисрликларнинг қуёш худоси Амон-Ранинг улкан ҳайкали қаршисида соатлаб ҳайратланиб турган, шундан кейин мазкур тангрининг суратлари чизилган кийимларни кийиб юрган. Шу боис, мисрликлар улуғ саркардага меҳр-муҳаббат билан қараганлар, уни қўллаб-қувватлаганлар.

Қоҳирага кашфиёт ҳақидаги хабар етиб келгач, Миср маданият вазири Форуқ Ҳусни Сивага юнон қадимшуносларининг фикрлари қай даражада ҳақиқатлигини аниқлаш учун мутахассислар гуруҳини жўнатди. Вазирнинг айни чоқдаги шубҳаси ўринлидир: чунки талай мамлакатларнинг қадимшунослик экспедициялари Искандар Зулқарнайнннинг дафн этилиш сирларини очганликлари ҳақидаги эътирофлари ўзининг бирон марта ҳам тасдиғини топмаган.

## Гулқайчи

Комил АВАЗ

### АСЛИ УСТАНГДА АҚЛ ЙЎҚ

«ОШИҚ Ғариб ва Шоҳсанам» пьесасида халқнинг ҳам, театр жамоасининг ҳам суюкли актёри Қаландар Бойжонов подшо ролини жуда маҳорат билан ижро қилаётган пайт эди.

Ўша машҳур кўринишда подшо:

— Шароб келтиринг! — деб буюради.

Театрнинг етакчи қизиқчи артисти Қаландар Бойжоновнинг ҳазилкаш дўсти Солай Девонов подшога шароб солиб олиб бориладиган пиёла тагини ушлаб бўлмас даражада ўтда қиздирибди. Сўнг шароб олиб борувчи канизак — жуда одобли актриса Онабиби Полвоновага Солай ака таги ўтда қиздирилган пиёлани уст томонидан икки қўллаб ушлатиб бериб юборган.

Канизак подшога эҳтиром ила пиёлани аста узатади. Қаландар ака пиёлани тагидан ушлаб қўлига оладию, қўли куйганини сездирмаслик учун пиёлани бериги қўлига ўтказиб, канизакка даҳшатли ўшқиради:

— Косани тайини ўтга тутдингми, ялмоғиз!

Онабиби Полвонова бошини қуйи эгиб, индамай тураверибди. Қаландар ака таги иссиқ пиёлани у қўлидан бу қўлига олиб, Солай аканинг лақабига шама қилиб, яна канизакка заҳрини сочибди:

— Асли устангда ақл йўқ. Сан манглайи қора ҳам шу жиллига илиқасан. Ё алинг талатиннанми? Йўқолэй, гўззима ғўринма!

Пьесада йўқ ҳақоратларни эшитган Онабиби опа ҳайрон бўлиб, йиғлашдан бери бўлиб чиқса, Солай Девонов ўзида йўқ шод алфозда саҳна орқасида қотиб-қотиб кулаётганмиш.

Ҳаммасидан ҳам зал тўла томошабинлар Қаландар аканинг табиий ижросидан завқланишганини айтмайсизми?..

### ҚАНЧА ҚИРҚСАНГ ҚИРҚ

ЎЗБЕКИСТОН халқ артисти Санъат Девонов Огаҳий номидаги театр директори бўлиб ишлаган вақтида қаттиққўллик билан артистлар томонидан Хоразм шевасида пьесага ўзидан сўз қўшишларига ниҳоятда қарши турган. Лекин, ҳар хил чоралар, муҳокамалар таъсир қилмагач, ахири бир куни эрталабки йиғилишда эълон этиб:

— Агар кимда-ким пьесага ўзидан қўшимча сўз қўшса, Хоразм шевасида гапирса, ойлик маошидан 20 фоиздан 50 фоизгача қирқилади, — дея кўпроқ Қаландар Бойжоновга шама қилибди.

Ўша куни кечқурун иттифоқо «Куёвлар» пьесаси ўйналиб, ота ролида Қаландар Бойжонов ва ўғли ролида Санъат Девоновнинг ўзи чиққан.

Қаландар ака икки кўриниш ўтгунча сўз қўшмай, зўрға чидаб, ахийри учинчи кўринишда ўғли ролидаги Санъат Девоновга қараб, унинг отаси лақабига ишора қилганча:

— Менга қара, асли сани отанг... — деганда, у ёғини, яъни жинни, деганни қўл ҳаракатида тушунтириб, сал юмшатиб айтган: — ундайроқ... ўзи.

— И-е, отам ўзингиз-ку? — дебди Санъат Девонов ролни эслатиб.

— Ҳовва, ман жилли. Бор-эй, ничалли қирқсанг қирқ, 20 қирқасанми, 50 қирқасанми!

Қаландар аканинг маошидан қирқилиши керак бўлган фойизларга шамасидан Санъат Девонов ҳам, саҳна орқасидаги артистлар ҳам ичакузди кулги кўтаришган.

Томошабинлар эса, пьесанинг ҳаётий лавҳаларидан бениҳоя баҳраманд бўлиб кулганмишлар.

**АЗИЗ МУШТАРИЙЛАР!**

***Сиз бугунги саҳифамизда севимли «Гулистон» журналида ёритилаётган айрим материаллардан намуналар ўқидингиз. Уларни мутолаа қилиб, дилингиз ёришган, шуурингиз тўлишган бўлса ажабмас! Журналда бундан кейин ҳам ўқувчиларни қизиқтирадиган бадиий-тарихий, маънавий-публицистик мақолалар, янги-янги шеър-ҳикоялар, адабий тадқиқотлар бериб борилиши режалаштирилмоқда. Ҳозир айни пайти, қадрдон «Гулистон»га обуна бўлиб қўйсангиз ютқазмайсиз! Нашр индекси — 75233, бир йилга обуна баҳоси - 120 сўм.***

***Фурсатдан фойдаланиб, «Тошкент ҳақиқати» ижодий жамоаси «Гулистон»лик ҳамкасбларни журналнинг 70 йиллиги билан қутлайди ва келгусидаги фаолиятларида муваффақиятлар тилайди.***

## КЎНГИЛЛИ ВОҚЕА

### Ҳажвия

МАТЕМАТИКА дарси бўлаётган эди, синфга туман халқ таълими бўлими инспекторининг ўринбосари кириб келди.

— Илтимос, — деди у синф ўқитувчисига мурожат қилиб, — энг яхши ўқувчиларингиздан учтасини навбатма-навбат доскага чиқарсангиз. Мен синфнинг умумий ўзлаштиришини синаб кўрмоқчиман.

Талабгорлардан бири ўрнидан шартта туриб, доскага чиқди-да, берилган масалани тезгина ечиб, жойига бориб ўтирди. Масалани иккинчи ўқувчи ҳам қойиллатди. Аммо учинчиси доскага бўшашиброқ чиқди. Бўрни қўлига олиб, масалани ечишга шайланаётганда, бирдан... инспектор ўринбосари тўхтатди:

— Нега иккинчи марта чиқдингиз? — деди у жиддий овоз билан. — Нима мени лақиллатмоқчимисиз? Сиз масалани биринчи бўлиб ечган эдингиз-ку?!

Ўқувчи гуноҳкорона кулимсиради:

— Кечирасиз, ўртоқ инспектор ўринбосари, мен бу сафар ўртоғимнинг ўрнига чиқдим.

— Ўртоғимнинг ўрнига? — дарғазаб бўлди инспектор ўринбосари. — Бу қандай бемаънилик?

Ўқувчи қизариб, бошини қуйи солди.

Синфга оғир жимлик чўкди. Ҳамма ҳозир катта кўнгилсизлик юз беришини кутар эди.

— Хўш, кимнинг ўрнига чиқдингиз, билсам бўладими? — жаҳл билан сўради инспектор ўринбосари.

— Энг яхши ўртоғимнинг ўрнига, — деди ўқувчи, — ўзи бозорга кетган...

Инспектор ўринбосари ғазабдан кўкариб-бўзариб, ўрнидан туриб кетди. Нима қиларини билмай, у ёқ-бу ёққа тез-тез юра бошлади, кейин ўқитувчининг қаршисида кескин тўхтаб, дакки берди:

— Сиз бемаънигарчиликка йўл қўйяпсиз? Ўқувчингиз иккинчи марта доскага чиқиб, мени лақиллатмоқчи бўлганини кўра-била туриб, нега индамайсиз? Аксинча, бу майнавозчиликни томоша қилиб ўтирибсиз!

Ўқитувчи ҳижолатдан ер ёрилмади-ю ерга кирмади, қизариб-бўзариб ўзини оқлашга тиришди:

— Кечиринг мени, ҳурматли инспектор муовини, мен уларни яхши танимайман.

Инспектор ўринбосарининг ҳайратдан кўзлари олайиб кетди:

— Нима дедингиз?! Бу қандай гап?! Ажабо, ўқитувчи ўз ўқувчиларини танимас эмиш!

— Биласизми, бу менинг синфим эмас...

— Ундай бўлса, бу ерда нима қилиб ўтирибсиз?!

— Мен... вақтинча... бозорга кетган ўқитувчининг ўрнига кирган эдим...

Инспектор ўринбосари ўзини қаҳқаҳ уриб юборишдан аранг тийиб қолди. У ерга қараб, ним табассум билан бошини чайқаган кўйи бирпас жим турди, кейин «нима бўлса бўлди» дегандек, қўл силтади.

— Омадингиз бор экан, — деди ўзи ҳам қизариб,— шукур қилинглар. Очиғини айтганда, мен ҳам бозорга кетган оғайнимнинг ўрнига келган эдим... Ҳай-ҳай, худо кўрсатмасин, агар ўзи бўлгандами, нақ шўрингизга шўрва тўкиларди-да!..

Кўнгилсиз воқеани кутиб турганлар енгил хўрсинишди...

**Баҳодир УСТА.**

Жаброн ХАЛИЛ ЖАБРОН

*«КЎЗ ЁШЛАР ВА ТАБАССУМ» туркумидан*

## ИНСОН ҚЎШИҒИ

***Айтинг (Эй Муҳаммад): Ўлик танангизга жон берадиган, кейин ўлим берадиган, сўнгра яна тирилтирадиган, кейин ўзига қайтажагингиз — Оллоҳни инкор қиласизларми? (Қуръони карим, 2-сура, 28-оят).***

Аввал чексиз маконда Руҳим сузиб юрарди, тахайюл осмонида учардим ва Арши Аълога яқинлашардим, энди эса жисмимга қулдирман.

Бир замонлар Конфуций таълимотини тингладим, Ба-Раҳман ҳикматларига қулоқ солдим, Билим дарахти остида Будда билан суҳбатлашдим, Маккаю Мадинада иймон шарафига эришдим, энди жоҳил ва муртадлар билан курашмоқдаман.

Тури Синода ҳазрат Мусога Тангри таоло кўринганидек, Ёрдан (Йордан) соҳилларида назориялик Исо мўъжизалар кўргизганида Мадинада Расулуллоҳ хутбалар ўқиган чоғларда ҳозиру нозир эдим, эндиликда шакийлик (шубҳа) тўрига асирман.

Бобил қудратини, Миср шон-шуҳратини, Юнонистоннинг улуғвор маҳобатини кўрдим, уларнинг барча қилмишлари — ожизликдан эканини, замонлар ўтиб хорланишини сездим.

Эндора сеҳргарлари, Оссурия коҳинлари, Фаластин набийларининг суҳбатларини тингладим. Энди эса мен ҳақиқат излайман.

Мен Ҳиндистонга ато этилган донишмандликни дилимга жо қилдим. Араблар жазирасида қуйилиб келган Имрул Қайс ва Абул Аълодай шоирларнинг шеърларини ёд олдим, Ғарб мусиқаси, Бах ва Бетховен яратган илоҳий садоларини тингладим, аммо, ҳамон сўқирман, ҳеч нени кўрмайман, гарангман, карман — ҳеч нени эшитмайман.

Очофат истилочилар босқинини, ёвуз ҳукмдорлар ноҳақлигини, ёвуз қулдорлар жабр-зулмини бошимда синаб кўрдим, аммо, ҳамон ақлим кирмади.

Шуларнинг ҳаммасини болалик чоғларимда ҳам, йигитлик фаслида ҳам, қариганимда ҳам ўйлаб, мушоҳада қиламан ва охиратда Ҳақтаоло даргоҳига қайтаман.

Мен қайта-қайта бу дунёга келавераман, аммо, доимо келган жойимга қайтаман... Нодонлигимча кетаманми ва ё Ҳақни танибми — мана шуниси жангу муаммодир...

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАДАНИЯТ ИШЛАРИ ВАЗИРЛИГИ
ЎЗБЕК ДАВЛАТ ЭСТРАДАСИ
ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ САРОЙИДА
29 — 30 ноябрь, 1 — 2 декабрь соат 19.00 да,
3 декабрь соат 14.00 ва 18.00 да
«СИЗНИ СЕВМАСЛИККА ҲАҚҚИМ ЙЎҚ»
ДОНИЁР ТОШМУҲАМЕДОВ
ЎЗ ЯНГИ ДАСТУРИНИ ТАҚДИМ ЭТАДИ
Чипталар «Халқлар дўстлиги» саройининг кассаларида соат 10.00 дан сотилади.
ЖАМОАЛАРДАН ЖАМ БЎЛИБ КЕЛИШ УЧУН ТАЛАБНОМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
МУРОЖААТ УЧУН ТЕЛЕФОНЛАР: 44-56-07, 45-92-51.

Тошкент вилояти ҳокими ижроия маҳкамаси жамоаси вилоят капитал қурилиш бош бошқармаси бошлиғи Б. М. Муҳиддиновга онаси

**Васила МУҲИДДИНОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент вилояти ҳокимлиги капитал қурилиш Бош бошқармаси жамоаси бошқарма бошлиғи Б. М. Муҳиддиновга онаси

**Васила МУҲИДДИНОВАнинг**

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ • TOŞKENT HAQIQATI
Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ
Муҳаррир Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ
Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 33-40-48
Эълонлар: 33-99-15, 32-57-27.
• Мақолалар, эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун муаллифлар, реклама ва эълон берувчилар масъулдир.
• Фойдаланилмаган мақолаларга ёзма жавоб қайтарилмайди.
Рўйхатдан ўтиш тартиби: №8. Буюртма Г-0493. Ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2.
"Шарқ" нашриёт матбаа-концерни босмахонаси. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи: 64672. Босишга топшириш вақти — 20.30. Босишга топширилди — 18.15.
1 2 3 4 5 6